Ушбу сонда:
2 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?
3 УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ
4 БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 28 сентябр, сешанба № 156 (1789)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ФЕЛЬДШЕР ЎРНИГА ВРАЧ

***Эндиликда Ховос тумани Шарқобод қишлоғи аҳолиси малакали тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлишди. Бу ерда давлат бюджетидан ажратилган 62 миллион сўмга қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. У 2500 кишига хизмат кўрсатади. Янги ҚВПда аёллар маслаҳатхонаси, физиотерапия ва амалиёт хоналари, ташҳис маркази, лаборатория бор. Иккита кенг хона кундузги стационар учун ажратилган. Ҳамма хоналар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.***

- Жорий йилда туман марказларидан узоқда жойлашган қишлоқларда олтита ҚВП бунёд этиш режалаштирилган,- дейди Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Мухтор Эркаев. - Уларни қуриш учун 267 миллион сўм ажратилган. Ҳозирда уларнинг бештаси фаолият кўрсата бошлади. Олтинчиси тез орада фойдаланишга топширилади.

Ҳар бир ҚВП малакали тиббий ходимлар билан таъминланган. Уларнинг аксариятида транспорт воситалари бор. Туман шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари билан телефон алоқаси ўрнатилган.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида

***Маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, шунингдек маданият ва спорт соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган юксак маънавиятни, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни вояга етказиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш;

театр, мусиқа, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-бадиий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз талант ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика қуролли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш мақсадида олимпия захираси муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

халқ ўйинлари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

турар-жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, аҳолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, физкультура-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш;

давлатлараро ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференция, кўргазма ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестиция ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объект ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан имконият даражасида тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

профессионал, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини кенг кўламда тарғиб қилиш, шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

4. «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ПФ-360-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 сентябр

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармасининг Андижонда жойлашган муассасасидаги 47 нафар судланган шахсга касб эгаллагани тўғрисида сертификатлар топширилди. 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган маҳбуслар тўрт ой давомида тажрибали усталар ва ўқитувчилар раҳбарлигида турли мутахассисликларни эгаллади.***

Жамиятнинг адашган аъзоларига озодликка чиққандан сўнг ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам беришга қаратилган лойиҳа Андижон вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда Германия халқ университетлари уюшмаси халқаро ҳамкорлик институти томонидан амалга оширилмоқда. Маҳбусларни ўқитиш учун дастгоҳлар, тикув машиналари, электр қайчилар ва бошқа ускуналар сотиб олинди.

- Бу биринчи лойиҳа,- дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бош мутахассиси Жамила Матмусаева. - Улар келгусида ўзларига зарур бўладиган мутахассисликларни эгаллашади. Ҳозир янги гуруҳга тингловчилар танлаб олинмоқда.

**(ЎзА)**



«Хива сопол» акциядорлик жамияти жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Моҳир кулоллар қўлида сайқал топган чойнак, пиёла, лаган каби рўзғор буюмларига талаб нафақат ўзимизда, балки чет элларда ҳам ортиб бормоқда. Қадим Хоразм анъаналарини ўзида мужассам этган ноёб асарлар, айниқса, сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Бугунги кунда «Хива сопол» АЖнинг 200 дан зиёд юқори малакали усталари ота-боболари меросини авайлаб-асраган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқда.

**Суратда: тажрибали сифат назоратчиси К.Маткаримова навбатдаги маҳсулотни кўздан кечирмоқда.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат**

*Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари*

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА ИШТИРОКИ

***«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун 1994 йил 5 майда қабул қилинган бўлиб, мазкур Қонунга 2000 ва 2003 йиллари ўзгартиришлар киритилган.***

***Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга ўтказилади.***

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда сиёсий партияларнинг иштироки кўп жиҳатдан Қонунчилик палатаси депутатлиги учун бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки билан бир хил. Шу сабабдан умумий қоидалар тўғрисида кўп тўхталиб ўтирмаймиз.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумий бўлиб, сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш (актив) ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш (пассив) ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига кўра сиёсий партиялар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партиялар сайлов тайинлангунга қадар, аниқроғи сайлов тайинланган кундан камида 6 ой олдин қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сиёсий партиялардан ташқари яна бевосита фуқаролар, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам номзод кўрсатсалар бўлади. Демак, сайловларда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларга муносиб рақиблар мавжуд. Аммо сиёсий партия ўзининг аниқ ва йўналтирилган дастурига эга бўлиши, шунингдек, бошқа номзодларга нисбатан уюшган сиёсий кучлилиги билан улардан ажралиб туриши ҳамда уларга нисбатан ўзининг фаоллигини намоён этиши лозим. Сиёсий партиядан номзодлар кўрсатиш тартиби ҳақида тўхталсак.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

сиёсий партиянинг тегишли вилоят, туман, шаҳар органи раҳбари имзолаган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома.

Ушбу ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради. Сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш ёки бермаслик тўғрисида беш кун муддатда узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиши навбатига қараб тегишли вилоят, туман, шаҳар матбуотида эълон қилинади.

**(Давоми 2-бетда)**

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Бухоро вилоят қўмитасига Вобкент туманидаги 27-мактабнинг собиқ директори Зикриё Каримов томонидан берилган ариза атрофлича ўрганиб чиқилди.

## ДИРЕКТОР ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Аризани ўрганиш жараёнида туман халқ таълими бўлими томонидан директорни эгаллаб турган лавозимидан бўшатишда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланди. Уни лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги буйруқ асоссиз эканлиги исботлангач, З.Каримов вилоят касаба уюшма қўмитасининг қатъиятлиги билан ўз лавозимига тикланди.

Ходимлар ҳуқуқларининг тўлақонли ҳимоялашга тармоқ касаба уюшмалари ўз диққат-эътиборини қаратган. Соҳа ходимларидан тушаётган ҳар бир мурожаат ўз вақтида ва чуқур ўрганиб чиқиб, уни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда. Қонун, ижтимоий адолат бош мезон бўлган жойда меҳнат самарали бўлади.

**Б.НОРБОЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Бухоро вилоят қўмитаси раиси ўринбосари**

*Ислоҳот инсон учун*

***Қамаши туманида фаолият кўрсатаётган «Ўзбек-Бухоро-Қоракўл» савдо ишлаб чиқариш корхонаси 2002 йилда ташкил этилган. Бу ерда асосан қоракўл терилари қайта ишланиб экспорт қилинади. Шу ҳисобдан корхона қисқа фурсат ичида анчагина валютага эга ҳам бўлди. Бу эса янги иш ўринларини яратиш имконини берди. Катта маблағ эвазига Эрондан макарон ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирилиб ўрнатилди.***

## ЯНГИ ЦЕХЛАР
### янги иш ўринлари

Натижада соатига 450 килограмм макарон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех ишга туширилиб, тумандаги 30 нафар ўғил-қиз иш билан таъминланди. Ишлаб чиқарилган сифатли 40-50 турдан иборат маҳсулотлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларига реализация қилинмоқда. Харидорлар сафи ортгани сайин мижозлар эҳтиёжи тўла қондирилиши учун чоралар изланмоқда.

Маълумотларга кўра ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллион сўмдан иборат бўлиб, соф фойда 7 миллион 400 минг сўмни ташкил этади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ишчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратилган бўлиб, иш ҳақлари ўз вақтида берилиб, ишчи-ходимлар ишига қараб рағбатлантирилмоқда.

Маҳсулот сифатли ва боз устига нархи арзон бўлса, мижозлар учун шунчалик яхши. Бу эса қўшни вилоятдаги ишбилармонларни ҳам хушнуд этмоқда. Фойда икки томонлама бўлса, қандай яхши.

Корхонада фаолият кўрсатаётган пешқадам ишчилардан Умида Жўраева, Латофат Чориева, Ирода Бекмуродова, Ортиқ Нормуродов, А.Шаймардонов ва бошқалар ишлаб чиқариш самарадорлиги учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бундан ташқари, корхона таркибида фаолият юритаётган «Нон» ишлаб чиқариш цехи тумандаги истеъмолчилар учун анчагина қулайлик яратмоқда. Тумандаги соғлиқни сақлаш бўлими, халқ таълими бўлими, меҳрибонлик уйи тўлиқ сифатли нон маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Корхонада иқтисодий салоҳиятни юксалтириш учун янада кенг қамровли фаолият кўрсатиши учун ишлаб чиқариш цехлари ўрнатилмоқда. Айниқса, Мустақиллигимиз байрами арафасида бу ерда ишга туширилган печенье цехи туман аҳли учун қулайлик яратди. Қувончлиси, тумандаги ёшларни маълум бир қисми иш билан таъминланди.

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

***Қўқон шаҳрида бокс бўйича якунланган халқаро турнирда Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан 150 нафардан зиёд иқтидорли чарм қўлқоп устаси ғолиблик учун рингга чиқди.***

Ҳамюртларимиздан Улуғбек Дурибоев, Илҳом Раҳимов, Жамол Жўраев, Спартак Бахтиёров, Жасур Матчонов, Мрав Азарян, Ўткир Соипов, Орзубек Шаимов, Шароф Айтбоев, Баҳром Юнусов ҳамда Баҳодир Нуритдинов халқаро турнир ғолиби бўлди.

*Раҳбарнинг маънавий қиёфаси*

## ТАЪМА
### инсонни элдан айирадиган хавфли иллат

***Урганч туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси (собиқ) Ш.Курбоновга одамлар катта ишонч билдиришганди. Бой ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган бу мутахассис хўжалик раҳбари сифатида иш бошлаганида меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, барча тармоқни бирдек ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишга киришди. Бироқ вақт ўтиши билан у назоратнинг сустлигидан фойдаланиб қинғир ишларга қўл ура бошлади. Аниқроғи, ширкат хўжалиги ерларини жарақ-жарақ пулга сотиб, бойлик орттиришга ружу қилди. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, раиснинг кирдикорлари ошкор бўлди. У воситачиси орқали «ер сотаётганида» қўлга тушиб, ўзини панжара ортида кўрди.***

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси Расул Абасния бировга қараб қолган одам эмасди. Бироқ тўппа-тузук ишлаб юрган киши кўзбўямачилар сафига қўшилди қолди. Одамларни лақиллатиб «квартира олиб бераман» дея пулларини қийратиб кетди. Суднинг қора курсисига ўтирганида, чув тушган кимсалар аттанг, деб қолишди.

Баъзан шундай бўладики, масъул вазифаларда ишлаётган ёш, изланувчан раҳбарлар, ходимларни кўриб ҳавасинг келади. Лекин сен эътиқод қўйган кишилар масъулиятсиз, эгриқўл, таъмагир бўлиб чиқса бундан ёмони йўқ. Мадёр Исмоилов ва Улуғбек Қурбоновга Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси катта ишонч билдириб, бирисини Урганч шаҳар ички ишлар бўлими терговгуруҳининг раҳбари, иккинчисини эса шу бўлимнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш гуруҳининг бошлиғи этиб тасдиқлади. Афсуски, мутасадди раҳбарларнинг умиди саробга айланди. М.Исмоилов ва У.Курбоновлар бурч масъулиятини тезда унутишди. Қонун ҳимоячилари хонқалик заҳриқотил тарқатувчиларнинг катта пул эвазига айбларини яшириб, қалбаки ҳужжат тайёрлаётган пайтда тузоққа илинганларини билмай қолишди.

Оқ халатли кишилар ҳақида халқимиз ҳамиша чуқур ҳурмат ва меҳр билан гапиради. Жонга-жон шифокорлар инсон саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилишади. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмас экан. Янгиариқ туман марказий касалхонаси бош шифокори Р.Бобожонов дастлабки кезлар ёмон ишламади. Ташкилотчи, ўз соҳасини яхши билган мутахассис сифатида назарга тушди. Бош шифокор бўлди-ю, қадам олиши ўзгарди. Таъмагирлик касалига мубтало бўлди. Кунларнинг бирида ҳамшира бўлиб ишга кирмоқчи бўлган М.Жуманиёзовадан 100 минг сўм сўраганида, ҳаётни, бош шифокорни бутунлай бошқача тасаввур этган, касалхонага катта орзу-ниятлар билан қадам ранжида қилган қиз эсанкираб қолди. Охир-оқибат буни ўзига ниҳоятда оғир олиб, тегишли идорага мурожаат этди.:.

Боғот туманлараро судмедэкспертизаси бошлиғи Р.Полвонов «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юрита бошлади. У ўзини ниҳоятда ишчан, қаттиққўл, адолатли қилиб кўрсатарди. Кейинчалик маълум бўлдики, бошлиқ «қуруғига» ишқибозлардан экан. Имкон бўлди дегунча, ҳузурига келувчилардан бир нимали бўлсам, дерди. Бир куни Питнак шаҳрида яшовчи Ф.Қурбонов ва Х.Тойировлар ҳамшаҳари билан муштлашиб қолишади. Жабрланувчи аслида енгил тан жароҳати олган бўлса-да, Р.Полвонов дўқ-пўписа билан таъкидлади:

– Қамалишларинг аниқ, жабрланувчи оғир тан жароҳати олган. Лекин сизларни таниганим учун ёрдам берай деяпман. Майли икки юз «кўки»дан олиб келинглар, буёғини бир гап қиламиз.

Қозончининг ҳаққи бор, қайдан қулоқ чиқарса, қабилида иш юритишга ўрганиб қолган тиббий экспертиза бошлиғи лаборанти орқали пора олаётганида жиноят устида қўлга олинди.

Раҳбар бўлиб ишлаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Табиийки, мартабага эришиш учун инсон узоқ йиллар меҳнат қилади, изланади. Ўзининг ишчанлик, ташкилотчилик қобилиятини намоён этгач, назарга тушади. Бу масаланинг бир томони, холос. Лавозим курсисига ўтиргандан кейингина кимнинг ким эканлиги яққолроқ намоён бўлади. Юқоридаги кишини ғоятда ўйлантирадиган мисоллардан кўриниб турибдики, кимларнидир масъул ишларга кўтаришда бирёкламаликка ёйинки таниш-билишчиликка йўл қўйилган. Тавсия этилаётганларнинг маънавий дунёси чуқур ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам улар имтиҳондан ўта олмай, ўзларини ҳам, уларни тавсия этган кишиларни ҳам уятга қўйдилар. Ким-ким раҳбар янглишмасин. Президентимиз халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида раҳбар масъулияти ва шарафи ҳақида гапириб шундай деди:

– Қачонки раҳбарнинг юрагиям, қўлиям тоза бўлса, таъмадан, ғараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлади.

Лавозимини суиистеъмол қилаётган, таъмага берилганларни эса жўшқин ҳаёт оқими четга суриб ташлайди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Республикамиздаги барча муаллим-устозларни, олиму фузалоларни 1-октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади.







**Келажагимиз ворислари – ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишингизда улкан муваффақиятлар тилайди!**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**Дамашқ шаҳрида ХАМАС ташкилотининг ҳарбийлашган қаноти -«Изиддин ал-Қассам» гуруҳининг етакчиларидан бири Изиддин Халил ўлдирилган эди. Бунинг учун жавобгарликни Исроил махсус хизмати ўз зиммасига олди. Бунга жавобан гуруҳ аъзолари Исроил ҳудудида террорчилик ҳаракатларини амалга оширишини маълум қилди.**

* * *

*Ироқнинг Ал-Фалужа шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди. Миллий гвардия штаби ёнида портловчи қурилма ўрнатилган иккита автомобил портлатилди. Оқибатда бир неча нафар АҚШ ва Ироқ ҳарбийлари яраланди.*

* * *

**Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларида ҳаётни издан чиқарган «Женни» тўфони АҚШга етиб келди. Хабарларга қараганда, Флорида штатидаги Канаверал бурнида жойлашган фазовий парвозлар марказининг фаолияти тўхтаб қолган.**

**(ЎзА)**



Чироқчи туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан соҳа ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда касаба уюшма ташаббуси билан 44 нафар кекса педагогни пенсияга кузатиш маросими ўтказилди. Табаррук инсонлар шарафланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

**Суратда: туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси А.Ҳайдоволов ўқитувчилар билан.**

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ»

«Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» анъанавий кўрик танловининг Қашқадарё вилоят босқичи якунланди. Шаҳрисабз туманидаги 4-ихтисослашган мактабнинг тарих ўқитувчиси Шуҳрат Ботиров ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» очиқ аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади! Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

***2004 йил 28 октябр ва 4 ноябр кунлари соат 11.00. да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:***

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасининг Транспорт бўлими балансидаги «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат белгиси 10 UZ 016, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 10 295 000 сўм.**

***2004 йил 30 сентябр, 7,14 октябр кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига такроран қуйидаги объект қўйилади:***

Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (4-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 12292 АҚШ доллари.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов бўлимидаги: 20208000804265383001 (КОД-00901, СТИР-204563716) ҳисоб рақамига ўтказилади.

Чет эл валютасида сотувга чиқарилган объектлар бўйича закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов бўлимидаги: 20208840204265383001 (КОД-00901, СТИР-204563716, SWIFT:UZHOUS 22) валюта ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимининг душанба, чоршанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 62-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (62-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 27748,4 АҚШ доллари.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Биржа савдоларида Республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1 «А»-уй.**
**Телефонлар: (371) 133-29-83, 136-26-26, 133-25-21, 136-15-28.**
**Факс: 136 06 17. www.rkmb.uz, Лицензия рақами: 000004**



## Юртимиз пахтакорлари диққатига!

## Акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК»

***Сизлар учун 3 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб муддатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган***

**«Оқ олтин», «Пахтакор», «Саховат»** ***муддатли омонатларини таклиф этади!***

**Ушбу жамғарма омонатларига маблағингизни «Пахта банк»нинг истаган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.**




*Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар! «Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!*

